

# АДОЛАТ

ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТА

adolat\_sdp@doda.uz • www.adolat.uz

№ 40 (845) • 2011 йил, 23 сентябрь, жума

## Оқсаройда қабул

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 сентябрь куни Оқсаройда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Банго билан қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари муҳимни юртимизга ташрифи билан қўлар экан, Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикасига йирик ва ишончли шерик, қадим тарих ва ноёб маданиятга эга бўлган, ривожланишнинг узок муддатли стратегиясини амалга оширгани туфайли иқтисодий салоҳияти жиҳатидан дунёда ҳақли равишда етакчи ўринлардан бирини эгаллаган мамлакат сифатида қаралишини таъкидлади.

Томонлар ўзаро очкилик ва ишонч билан йўрилган, 2005 йилда имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома тамойиллари руҳида ривожланиб бораётган муносабатларни қадрлайди. Шу маънода икки давлатнинг олиё вакиллик органлари ўртасидаги мулоқотни кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилди.

Икки мамлакат халқлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил апрель ойида Хитой Халқ Республикасида давлат ташрифи самарали бўлганини, ташриф асосида йигирмадан зиёд муҳим ҳужжат ҳамда умумий қиймати 3,5 миллиард АҚШ доллари-дан ортик лойиҳаларни амалга ошириш бўйича шартномалар имзоланганини мамнунлиқ билан қабул қилди. Уша вақтда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатлар янги поғонага, ноҳомаш ва юқори технологик соҳаларда кенг қўламли ҳамкорликни назарда тутувчи сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилаётгани таъкидланган эди.

Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб масалаларга ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги томонларга БМТ, ШХТ ва бошқа нуфузли халқаро сиёсий ва молиявий институтлар доирасида самарали ҳамкорлик қилиш имконини бермоқда.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларида иқтисодий соҳадаги ҳамкорликка устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, томонларнинг муштарак интилишлари самарасида ўзаро манфаатли савдо ҳажми муттасил ошиб бормоқда. Бу борадаги кўрсаткич сўнгги беш йилда тўрт баробардан кўпроқ ошди ва 2010 йилда 2 миллиард АҚШ доллари-дан зиёд бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Хитой сармоясини иштирокида тузилган 350 дан зиёд корхона турли соҳаларда фаол иш олиб бормоқда.

У Банго давлатимиз раҳбарини Ўзбекистонда кенг нишонланаётган кўтулғу сана — Ўзбекистон давлат мустақиллигининг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этиб, пухта ўйланган ва самарали ислохотлар туфайли халқимиз тарихан қисқа муддатда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида улкан ютуқларга эришганини қайд этди. Хитой учун Ўзбекистон яқин шерик эканини ва ХХР мамлакатимиз билан муносабатларни узок муддатли асосда ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстона муносабатларни, жумладан, парламентлараро алоқаларни ривожлантиришга оид кенг қўламли мавзулар, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(Ў.А)

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида учрашув

Мамлакатимизда муҳим бўлиб турган Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Банго раҳбарлигидаги Хитой Халқ Республикаси парламент делегацияси аъзолари 22 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Дилором Тошмуҳамедова билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар кўлаби йўналишлар қатори парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда Ўзбекистон ва Хитой олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболга доир масалалар муҳокама қилинди. Икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустақамлаш, қонун ижодкорлиги фаолияти бўйича тажриба алмашишга оид масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси Раиси У Банго Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари олдида "Ўзаро дўстона муносабатларни ривожлантириш йўлидаги ҳамкорлик" мавзусида маъруза қилди.

У Банго Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги дўстлик, ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва хурмат тамойилларига асосланган ҳамкорлик барча соҳаларда ривожланиб бораётганини қайд этди. Бунда мамлакатларимиз раҳбарларининг ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига, минтақавий ва халқаро муаммоларга қарашлари ўхшаш ва яқин экани муҳим

омил бўлаётганини алоҳида таъкидлади.

"Евросиёдаги муҳим мамлакатлардан бири бўлган Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузи тора ошиб бормоқда, — деди У Банго. — Мехнатсевар Ўзбекистон халқи ўзининг бой қадимий тарихи ва ажойиб маданиятига эга. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида сиёсий барқарорлиқни мустақамлаш, давлат қурилиши, иқтисодийни изчил ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар юксак самаралар бераётди.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўзаро ҳамкорлигимиз энергетика, савдо, иқтисодий, сармос, транспорт ва телекоммуникациялар, парламентаризм, маданият каби кўплаб соҳаларда тора мустақамлашмоқда. 2010 йили мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 2,48 миллиард АҚШ доллари, Хитойнинг Ўзбекистонга киритган сармоси 1,65 миллиард долларни ташкил қилди. Мамлакатларимиз 2015 йилга бориб ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард долларга етказиш ниятида. Турли даражадаги делегациялар алмашуви ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда янада ривожлантиришга улкан ҳисса қўшиши шубҳасиз."

(Ў.А)

Юртимиз бўйлаб катта тантаналар билан нишонланаётган Истиклолимизнинг ўтган 20 йиллик даврига назор ташлар эканмиз, бу давр халқимиз учун том маънода эркин ва фаровон ҳаёт кечириш, бунёдкорлик завқи билан яшаш учун барча шароитларни яратиб берди, деб бемалол айта оламиз. Зеро, мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларига ўтишнинг "Ўзбек модели" да аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат юритиш энг муҳим тамойиллардан бири сифатида белгиланиб, бу борада амалга оширилган босқичма-босқич ислохотлар самаралари бугунги фаровон турмушимизда яққол намоён бўлмоқда.



## Фаровон турмушимиз асоси

аҳоли бандлиги, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига бевосита боғлиқдир

**Эркин АВЕЗОВ,** Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва меҳнат вазириликнинг бандликни таҳлил қилиш ва меҳнат бозорини тартибга солиш бошқармаси бошлиғи.

Эътироф этиш жоизки, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда аҳоли даромади ва фаровонлигини ошириш борасида сифат жиҳатидан чуқур ўзгаришлар юз берди. Биргина 2010 йилда иқтисодий тизимизда юқори ўсиш суръатлари таъминланиб, аҳолининг реал даромадлари 123,5 фоизга ошди. Шунингдек, аҳолининг иш ҳақи ва умуман, пул даромадлари барқарор ошиб бормоқда, унинг харид қобилияти муттасил ўсмокда, фуқароларимиз истеъмол қиладиган махсулот-

лар таркибининг сифати ортомқда. Ўтган йилда бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ва ижтимоий нафақалар, стипендиялар микдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,3 баробар ошди. Шунингдек, аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад улуши тора салмоқли ўрин эгалламоқда ва

барча даромадларнинг 47 фоиздан ортиги ушбу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Юртимизда оилаларнинг сифатли ва узок муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси ҳам сезиларли даражада ошди. Юртбошимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақсулари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналиш-

ларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида келтирилганидек, жорий йил бошидаги кўрсаткичларга қўра ҳар 100 та оилга ўртача 132 та телевизор, 99 та музлатгич, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 та шахсий компьютер, 27 тадан ортик энгил автомобиль тўғри келмоқда.

Давоми 3-бетда

## Замонавий телекоммуникациялар

истиқболдаги тараққиётимизни белгилувчи муҳим омиллардан

Бугун шиддат билан ривожланаётган глобаллашув жараёнида телекоммуникация воситалари кундан кун ҳаётимиз ва иш фаолиятимизда муҳим ўрин эгалламоқда. Шунингдек, ҳозирги даврда ривожланган телекоммуникация тизими ҳар қандай мамлакат тараққиёти жадаллашувини таъминлашда муҳим омилга айланиб улгурди.

Шу боисдан мамлакатимизда соҳа ривожига кенг йўл очил, бу борада қонунчиликни изчил такомиллаштириб бориш талаб этиляпти. Зеро, давлатимиз раҳбари томонидан истиқлолимизнинг дастлабки йиллариданоқ **"Биз яқин йиллар давомида алоқа ва телекоммуникация ривож бўйича жаҳон стандартлари даражасига кўтарилишимиз лозим. Ривожланган коммуникация тизими бўлмаса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлмайди. Биз бунни аниқ ҳис қилишимиз лозим"**, дея бежизга айтилмаган эди. Чунки, йил сайин ривожланаётган ахборот-коммуникация воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш барча соҳада иш сифати ва унумдорлигини оширишга хизмат қиладди.

Ушбу дастурий вазифалардан келиб чиқиб, мамлакатимизда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникация ва маълумот узатиш тармоқлари, интернет хизматларини ривожлантириш ва замонавийлаштириш, уларни дунё стандартларига етказиш

мақсадида кенг қўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Ана шундай савй-ҳаракатлар самараси ўларок, юртимиз мобил алоқанинг ривожланиши кўрсаткичи бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллаган ўнта мамлакат қаторидан жой олди.

**Концепция:**  
устувор вазифалар

**Раъно ГАЙМОВА,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Ўзбекистон «Адолат» СДП фракцияси аъзоси.



Давоми 2-бетда


## Ахборот олиш эркинлиги



Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзолари ҳам омивий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустақам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш масалалари ўз дастурий мақсадларига мослигини ва долзарб аҳамият касб этишини эътироф этдилар.

2-бет

## Унутилган ваъдалар



Қизирқ туманида «Етимқум» қишлоғи бор. Қишлоқ ҳудудида жойлашган кумтепалик кўлаб зиёратчиларни ўзига тортади. Туман тиббиёт бirlашмаси баш шифокори Салима Абраеванинг фикрича, у ердаги қум ноёб физик-биологик хусусиятларга эга бўлгани учун ундан физиотерапия муоажаларида фойдаланилмоқда. Халқ табобати ҳам қўннинг кўлаб касалликларга шифо эканлигини аниқлаган. Албатта, асрлардан буён у одамлар дардига дармон бўлиб келган.

3-бет

## Истеъдодли ёшларимизнинг Италиядаги муваффақияти



Шу йилнинг 2-14 сентябрь кунлари Италиянинг Фермо шаҳрида ўтказилган "Italy Percussion Competition" халқаро зарбли чолғулар фестивалида АҚШ, Германия, Франция, Испания, Япония, Жанубий Корея, Бельгия, Болгария сингари 54 давлатдан 12 ёшдан 30 ёшгача бўлган чолғучилар иштирок этди. Ўзбекистонлик ўқувчи-ёшлар жаҳон ва юртимиз бастакорларининг энг сара муסיқий асарларини маҳорат билан ижро этгани турли давлатлар муסיқашуносларидан иборат ҳакамлар хайъати томонидан юксак баҳоланди.

4-бет



# Лоқайдлик қачонгача?

Давом. Боши 1-бетда

Гап шундаки, бундан чорак аср аввал ишга туширилган "Фонтан" заводи замон тараққиёти билан ҳамнафас одимлай олмади. Фаолияти тугатилди. Ҳа навбатида 2000 йилнинг 31 декабрь кунин Чуст тумани ҳокимининг 716-сонли қарорига қўра собиқ завод қошиғиди "Сарчашма" шўба корхонасининг ҳам мулк шакли ўзгартирилиб, Чуст "Оқавасу" кўп тармоқли кичик корхонасига айлантирилди.

Дастлаб фақат завод учун хизмат кўрсатган ушбу корхона эндиликда Чуст шаҳарчасида жойлашган иккита 4 қаватли, 29 та икки қаватли турар-жой биноларидан фойдаланувчиларга ва шунингдек, 34 та юридик ташкилотларга коммунал хизмат кўрсатмоқда. Аслида ишлаб чиқариш қуввати бир кеча-кундузда бор-йўғи 400 метр кубни ташкил этувчи мазкур иншоот бугунги кунга келиб, айрим кунларда 5-10 баробар ортиқча қувват билан ишлашга мажбур этилмоқда.

Корхонанинг туманга қарашли Хисорак ҚФЙ ҳудудидаги Дубоба қишлоғида жойлашган чикинди сувлари тозалаш иншооти шундоқ ҳам йиллар давомида эскириб, носоз аҳолига келиб қолган. Чирган қувурлари таъмирланавериб минг ямоқ бўлиб кетган. Айни пайтда Чуст шаҳридан бошланиб, Хисорак, Файрат, Дубоба қишлоқларини кесиб ўтган оқова сув катта коллатори тармоғидаги мавжуд 84 та кузатув кудидиган 34 тасининг усти очик, уларнинг чуқун қопқалари ташмалаб кетилган.

Юқорида таъкидланган коллаторнинг кузатув кудидан қопқаларга тушган ахлат уюмлари тармоқда тез-тез тикилиш хосил қилиб, ифлос, тозаланмаган чикинди сувнинг атроф-муҳитга йўйилишига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси оқова сув коллатори тармоғидаги энг кўп тошқин сўдир бўладиган жой-Саримсоқтепа маҳалласига кириб боришда бошланиб, айни шу ҳудудда яқиндагина ишга туширилган қушхона ҳамда виллоят Силга қарши курашиш диспансери жойлашган. Биринчидан, қушхона туман ҳокимлигининг қарори асосида фойдаланишга топширилган бўлса-да, бироқ бунинг учун белгиланган экологик меъриёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаган. Қушхонани фойдаланишга топшириш тўғрисидаги ҳужжатларга Табиати муҳофазаси қилиш Наманган виллоят қўмитасининг Чуст туман инспекцияси бошлиғи Каримжон Эргашев мурасосозлик оқибатида ноқонуний имзо қўйган. Иккинчидан, мана шу икки-уч юз метрлик "қайноқ нуқта"да шифохонанинг жойлашганлиги, бу масалага мутасаддилар панажа орасидан қараётганлигининг ифодаси эмасми?

Бундан ташқари, оқова сувдан Файрат, Дубоба, Юқори Қишлоқ, Обирохат, Янгиер қишлоқларида яшовчи аҳоли экин майдон-


ларини сугоришда ва хатто, ичимлик суви сифатида истеъмол қилишда фойдаланиб келади. Боз устига оқова сув коллаторидан тошиб чиқувчи ифлос сувлар нанки экин майдонларига ёйилмоқда, балки коллаторнинг куйи қисмида жойлашган Саримсоқтепа маҳалласидаги бутун бошли Хисорак ҚФЙ таркибига кирувчи барча қишлоқлар аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлайдиган булоқ сувига ҳам бориб қўйлаётганидан маҳаллий аҳоли таъми билдирмоқда.

Хуллас, мана шу омилар сабаб, энгилгина шабада эсса ҳам бутун қишлоқни бадбўй ҳид тўтиб кетади. Энг ёмони, чикинди суви тозаловчи иншоот умуман ҳеч бир талабга жавоб бермаслигига анча йиллар бўлган. Тўғриси, Чуст "Оқова сув" кўп тармоқли кичик корхонасининг молиявий аҳоли янада аянчли. Айни пайтда корхонанинг иш ҳақидан бўлган кредиторлик қарзининг ўзи 2011 йилнинг 1 август ҳолатига 4 миллион 700 минг сўмини ташкил этмоқда. Август ойининг иш ҳақи тўлови хали ҳисоблаб ҳам чиқилмаган. Афтдан маошсизликдан безган корхона ҳисобчисининг ўзи ҳам жуфтакин ростлаганга ўхшайди. Амалдаги Меҳнат кодексининг 154-моддасида "Иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъий назар, ходимга бажарган иши учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ ушбу кодекснинг 161-моддасида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт", деган ёзувлардан ҳодимлар беҳабар. Корхонада ишчиларнинг меҳнат шарафоти ҳақида қайғурадиган Касаба уюшмасининг борлигига аҳоли билдириб қийин. Хуллас, иш шарти хозирланмаган, ишчисининг қайфияти йўқ корхонадан яна нима ҳам кутиш мумкин. Шунинг учун ҳам иншоот ҳовузларини қамши аралаш балчиқ босиб ётибди. Тармоқда тез-тез юз бериб турадиган тикинларнинг ўзи вақтида бартараф этиб бўлмаслигининг сабаби ҳам шу. Халқимизда касалини яширсанг истимаси ошқор қилади деган нақл бор. Бугун бу ҳудуддаги аҳолидан нанки тумандаги Хисорак қишлоғи аҳоли норози, балки бу ҳолат қўшни Поп туманининг Тўда ҳамда Санг қишлоғида яшовчи аҳолининг ҳам ҳақи эътирозига сабаб бўлмоқда. Гап шундаки, чикинди сувлари тозаловчи иншоотдан чикинди суви ифлос сув, Дубоба қишлоғи эътидан оқиб ўтувчи сойга қўйилиб, қўшни туман ерларига ҳам етиб бормоқда.

Келинг, шу ўринда фикримизни қувватлаш учун Чуст туман ДСЭНМ бош врачининг 2010 йил 10 май кунин Чуст туман ҳокими номига ёзган 01/139-сонли хатидан бир парча келтирайлик. Унда "Чуст туман ДСЭНМ Сизга шунинг ёзиб маълум қиладики, чикинди сувларини биологик тозалаш иншоотида ўта жиддий ва зидат вужудга келган. Чикинди сувлари умуман тозаланмайди

ва зарарсизлантирилмайпти. Иншоот ходимлари электр энергиясини тежаш мақсадида тозаланмаган чикинди сувларини тўғридан-тўғри Тўдасой сувига оқизиш ҳолатлари мавжуд. Ушбу сой сувидан Поп туманига қарашли бир неча қишлоқ аҳолисини маданий-маиший хизматлар учун фойдаланиб келади. Чикинди сувларини сой сувига оқизаётганлиги тўғрисида Поп туман аҳолисини Чуст туман ДСЭНМга бир неча бор шикоят қилишган. Канализация тармоқларида рўй бераётган авариялар бартараф қилинмапти. Бу ҳолатларни вужудга келишига сабаб, канализация тармоғининг эгасиз қолганлигидандир. Иншоот ва канализация тармоғига хизмат қилувчи "Оқова сув" КТККнинг молиявий аҳолининг танглиги сабабли 2010 йил 1 ап-

релдан фаолиятини тўхтатган. Канализация тармоқларида рўй бераётган аварияларнинг вақтида бартараф этилмаётганлиги Чуст шаҳар ва туман аҳолисининг жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда", дейилади. Бошқа бир, яъни Чуст туман ДСЭНМ бош врачини ҳамда Табиати муҳофазаси қилиш Наманган виллоят қўмитасининг Чуст туман инспекцияси бошлиғи билан биргаликда қўш имзо чеккан 2008 йилги 01/280-сонли мана бу хатда эса, "...Дубоба қишлоғида жойлашган чикинди сувларини тозалаш иншоотида ўта жиддий эпидемиологик ва экологик вазият вужудга келган. Иншоот кузатувидан 5-10 баробар ортиқча куч билан ишламоқда. Натижада чикинди сувлар ўта қонқарсиз ҳолатда тозаланмоқда. Чикинди сувларини зарарсизлантириш учун дезинфекцияловчи модда йўқ, тозаланган чикинди сувлар туман ДСЭНМдаги ўта хавфли оқуқимли касалликларга лаботораториясида текширилганда НАГ 1-гурӯх вибрионлари борлиги аниқланди. Бу аниқланган микроб инсон организмиде "Ўткир диарея" касаллигини кўзғатиш хусусиятига эга" эканлиги таъкидланади. Бироқ бундай ташвишли хатлар туман ҳокимлигига бир неча бор йўлланиб, шахсан ҳокимнинг имзаси билан хошияланиб, ҳокимликнинг қурилиш масалалари бўйича бош мутахассиси Баҳодир Болтаевага чиқарилганига қарамай, мазкур мутасадди шу мазмундаги хатлардан болшиб ясашда давом этмоқда. Бу эса Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисидаги қонунга зид иш тўтилатганидан бошқа нарса эмас. Жумладан, Хисорак қишлоғида яшовчи Фаррух Азимов ҳамда бошқалар томонидан 2010 йилда ёзилган шикоят хати ҳам ана шундай эътиборсизлик ботқоқига қолиб кетган.



Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февралдаги "Коммунал хўжалиги тизимида табиати муҳофазаси қилиш фаолиятини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори эълон қилинганидан қарийб бир ярим

йил ўтмоқдаки, унинг ижроси билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Биз муаммони ўрганиш жараёнида қаршимиздан чиққан кимга дуч келмайлик уларнинг ҳар бири шу ҳақда ташвиш билдиришди. Бизга "Тоза сув, тоза ҳаво керак" дея таъкидлашди. Биз ўз навбатида Чуст "Оқавасу"нинг бир пайтлар қурилиши бошланиб, кейин қаровсиз ташлаб қўйилган, битмаган иншоотига ҳам бордик.

Ҳашаматлар, ярим битган бетон миноралар ўша атрофда истиколат қилувчи чўпон-чўликларнинг қўрасига айлиниб қолганидан бедарак ҳолда узоқ-узоқларга буй чўзиб турарди. Бу ёқда эса одамлар муаммо ечимини излаб саргардон.

Бизнингча, муаммонинг аччиқ ичкадек чўзилишига яна ўша лоқайдик, бепарволик иллатларидан халос бўлолмаётганимиз сабаб бўлапти. Ваҳоланки, Ўрта-бошимиз ибораси билан айтганда, бировнинг ҳаётига, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга бетараф ва бепарво қараб, шунчаки кузатувчи бўлиб яшайдиган одамдан қўрқиб қерак...

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Халқ депутатлари Чуст тумани

## "Адолат" СДП: ташаббус ва тадбирлар

### Сиҳатгоҳда хайрия тадбири

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Саҳоватпешалик ҳалқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятлардан биридир. Айниқса, улғу айёмлар, муборак кунларда ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ишлари ўзининг овж нуқталарига чиқади. Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик тантаналари кутлуғи Рамазон ҳайити билан бир кунда нишонлангани тўғрисида кўплаб хайрия ишлари ҳам амалга оширилди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ва унинг куйи бўғинларида эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олиш, қаровчисини йўқотган кишилардан бедарак ҳолда қўл-узоқларга буй чўзиб турарди. Бу ёқда эса одамлар муаммо ечимини излаб саргардон.

Инсон кўнгли ҳар доим меҳрга муштоқ бўлар экан, — дейди сиҳатгоҳ бош шифокори Феруза Йўлдошева — Айниқса, саломатлиги жойида бўлмаган

киши атрофдан бир оғиз ширин сўз кутиб яшайди. Республикаимиз мустақиллигининг 20 йиллик тантаналари сиҳатгоҳимизда жуда кўтаринки руҳда нишонланди. Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан ошқонанинг ўқис қалбларига илқилиқ олиб кирган бўлса, чин юракдан тортиқ этилган совға-саломлар уларни хушнуд этди. Шунинг учун бундай хайри ишнинг бошида турган партия фаоллари бундан жамоамиз номидан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Албатта, бу каби тадбирлар тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш қўнимларини шакллантиришга доир тегишли қўрсатма ва маслаҳатлар берилди.

## Ҳуқуқий саводхонликни ошириш лойиҳаси тасдиқланди

Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши матбуот хизмати.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, айниқса, аёллар, ёшлар ва болаларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини янада ошириш нафақат давлатимизнинг, балки республикамиздаги мавжуд нодавлат нотижорат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар олдидаги долзарб вазифалардандир. Бу борада Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши томонидан олиб

борилаётган ишлар ҳам диққатга сазовор.

Фарғона туманидаги сўлим Чимён қишлоғида Ўзбекистон "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши ташаббуси билан "Башорат" номли ижтимоий адаптация маркази ҳамкорлигида "Аёллар, ёшлар ва болаларнинг ижтимоий-юридик ва гуманитар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун шариоитлар яратиш" лойиҳасининг очилишига бағишланган амалий семинар ҳам шу нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур лойиҳани амалга оширишдан қўзғалган мақсад, — деди Фарғона вилояти партия Кенгаши раиси ўринбосари С.Ҳамидов, — жамиятимизнинг

Анжуманда ёш фермер ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қонуний ҳуқуқларидан фойдаланиш ва уни ҳимоя қилиш қўнимларини шакллантиришга доир тегишли қўрсатма ва маслаҳатлар берилди.

Шунингдек, тадбирда фермер ва тадбиркорлар томонидан тайёрланган махсулотларнинг кўргазмаси намойиш этилди. Семинар иши давомида "Адолат" СДП Фарғона вилояти Кенгаши ва "Башорат" ижтимоий адаптация маркази билан ҳамкорликда 2011 йил 14 август — 2012 йил 14 август даврига мўлжалланган "Аёллар, ёшлар ва болаларнинг ижтимоий-юридик ва гуманитар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун шариоитлар яратиш" лойиҳаси тасдиқланди. Қизгин савол-жавоблар ва баҳс-мунозаралар асосида ўтган семинарда Марказнинг олиб бораётган иш фаолияти ҳамда яратилган шариоитлар билан яқиндан танишилди.

Семинар якунида партияга 200 нафарга яқин аъзолар қабул қилиниб, янги БПТ ўз иш фаолиятини бошлади.



TRASTBANK ИШОНЧ БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Нигора ҚОДИРОВА. Бугунги кунда "Трастбанк" хусусий очик акциядорлик биржа банкида 20 га яқин омонат тури амал қилоётган бўлиб, улар турли шартларга ва қўлайликларга эга-лиги билан бир-биридан аж-ралиб туради.

Банк мамлакатимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги байрами муносабати билан аҳолига муносиб тўхфа сифатида миллий валютда "Мустақиллигининг 20

## Банкнинг байрам тўхфаси

йиллиги" деб номланган янги омонат турини амалга киритди. Жисмоний шахслар учун мўлжалланган мазкур омонатга маблағлар 90 кун муддатга қабул қилиниб, унга жойлаштирилмаган энг кам бошланғич бадал микдори 100 минг сўмини ташкил қилади. Маблағлар нақд пул шаклида омонатчининг шахсан ўзи ёки учинчи шахслар томонидан жойлаштирилиши мумкин.

Ушбу омонатдан маблағларни қабул қилиш муддати 2011 йилнинг 1 октябрга қадар белгиланган бўлиб, омонатчининг истагига қўра устама фоизлар тўлови ҳар 30 кунда ёки омонат муддати тугаганда берилди.

Агар фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг олинмаган бўлса, омонатчилик қўшимча 2 фоиз бонус тўланади.

Таъкидлаш жоизки, "Трастбанк" ХОАББ омонатчилар билан боғлиқ банк сирларини сақлаш, шунингдек, пул маблағларининг ўз вақтида қайтарилиши тўлиқ таъминлади. Шу билан бирга, банкда сақланаётган омонатлар Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳам тўлиқ ҳимояга олинган бўлиб, омонат қўйилмаган бўйича тўловлар уларнинг микдоридан қатъий назар тўлиқ ҳажмда тўланиши кафолатланган.



## Ноқонуний дисклар савдосига ўрин йўқ

М.НИЯЗОВ, Юнусобод тумани ДСИ бўлими бошлиғи.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикасида ва унинг ташқарисида гастроль-концерт фаолиятини, шунингдек, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда концерт хизмати кўрсатиши, грампластинкалар, аудиокассеталар ва лазер дискларни шайлаб чиқариш, ёзиш, кўпайтириш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомиларни тасдиқлаш ҳақида"ги 498-сонли қарори ижроси юзасидан Тошкент шаҳри Юнусобод тумани солиқ инспек-

цияси ходимлари томонидан тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, Юнусобод тумани, 17-мавзе, М.Мирзаев кўчасида жойлашган ноқонуний ташкил этилган савдо шохобчасида ўтказилган қиска муддатли текширишда жорий этилган тартибларга зид равишда фаолият юри-таётган бир қанча ноқонуний докларга чек қўйилди. Хусусан, текшириш жараёнида тадбиркорлик фаолиятини юриштирувчи тегишли ҳужжатлари бўлмаган фуқаро Шералиев Махаматдўст туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтмасдан, тегишли руждатларсиз DVD дискларини ноқонуний со-гаётгани аниқланди. Текширув чоғида ноқонуний савдо фаолиятдан тушган нақд пул маблағ-

Солиқ

лари ва келиб чиқши номат-лиум бўлган DVD дисклар да-лий эши сифатида олиб қўйи-либ, савдо шохобчасининг фа-олияти текширув ҳужжатлари чо-ра кўриш учун туман судига юборилди.

Юқоридаги қарор ва бошқа тегишли ҳужжатлар ижросини таъминлаш, қонун бузилишлар-нинг олдини олиш мақсадида туман солиқ хизмати ходимла-ри мунтазам равишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик субъектлари вакиллари ора-манда тушунтириш, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бо-ришлари натижасида ҳудуддаги бозор ва савдо шохобчаларида қонунбузилиш ҳолатларини камайишига эришилмоқда.

## Назорат касса машиналари улардан фойдаланиш давр талаби

С.МИРЗАЕВ, Ҳамза тумани ДСИ бўлими бошлиғи.

Республикамиз ҳудудида товарлар ва хизматлар ҳақи сифатида аҳолидан тушадиган нақд пул маблағларини қабул қилиш ҳамда ҳисобга олишни тартибга солиш, пул муомаласини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақса-дида мулкчиликнинг барча шакл-ларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш жорий этилган. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 8 июндаги қарори қўра, 2010 йил 1 октябрдан бошлаб аҳоли билан пул

ҳисоб-китобларини амалга оши-рувчи юридик ва жисмоний шах-слар томонидан қўлланилаётган на-зорат-касса машиналари ягона техник талабларга мувофиқ бўли-ши ҳамда «Узстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий бўлиналарида белгиланган тартибда мажбурий сертификатланиши лозим. Серти-фикатга эга бўлмаган ёки белги-ланган ягона техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-кас-са машиналаридан фойдаланиш, шунингдек, бундай машиналардан фойдаланган ҳолда чек берилиши ларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан назорат касса машиналарини мажбу-рий қўллаш жорий этилган.

Шунингдек, нақд пул тушумини ноқонуний сарф қилган ва ўз вақ-тида банк муассасаларига инкас-сация орқали топширмаган ҳўжа-лик юритувчи субъектлар ҳам аниқланиб, уларга нисбатан мо-лиявий жарима қўлланилди.

Жорий йилнинг Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши ҳам зимма-мизга янада юксак маъсулият юк-лашди. Чунончи, ходимларимиз доимий равишда фаолият кўрс-атаётган корхона раҳбарлари ва хусусий тадбиркорлар ўртасида нақд пул тушумини ўз вақтида тўлиқ банк муассасаларига топ-ширилиши иктисодиётимизни ри-вожланишида муҳим омил экан-лиги, НКМлардан фойдаланмас-лиқ тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши, қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган талаблар бажарилмаган тақри-да ҳўжалик субъектларига нисба-тан қонунда белгиланган жазо чо-ралари қўлланилиши бўйича тар-ғибот-ташвиқот тадбирларини ўтказиб, аниқ кўрсатмалар бе-ришмоқда.

Сўнгги саҳифа

# Халқ таълими: ТИЗИМДА ЯНГИЛАНИШ ВА ЮКСАЛИШ ДАВРИ ОДИМЛАРИ

Давом. Боши 1-бетда

Бутунжаҳон Банки берган маълумотларига кўра, мамлакатимиздаги саводхонлик даражаси 99,34 фоизга етиб, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Республикаимизда ижтимоий соҳага сарфланаётган маблағлар ялпи ички маҳсулотнинг 12 фоизини ёки давлат бюджетининг 50 фоиздан ортигини ташкил этади.

Биласиз, ҳамма жабҳада бўлгани сингари таълим соҳасида ҳам собиқ иттифокдан Ўзбекистонга аянчи "мерос" қолган. Республикаимиз мустақил бўлган пайтда мамлакатимизда 8124 та мактаб мавжуд бўлиб, улардан 3 525 таси мослаштирилган биналарда фаолият юритарди. Ўтган асрнинг 40-60 йилларида ҳашар йўли билан лой ва хом гиштдан қурилган мактаблар белгиланган талабларга жавоб бермас, уларнинг 80 фоизи қайта қуришга ёки капитал таъмирга муҳтож эди. Бу эса ўқув-тарбия жараёнларини тўғри ташкиллаштиришга ҳалал берарди.

Ўтган 20 йил мобайнида умумтаълим мактаблари замонавий талаблар даражасида реконструкция қилиниб, энг сўнгги янгилашилган асосида ишлаб чиқилган ўқув анжомлари ва ускуналари билан тўла таъминланди ва мутлақо янгича кўриниш олди. 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури доирасида 8501 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, уларга 1399,9 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Мактабларни педагогик кадрлар билан таъминлаш — тизимнинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Агар 2004 йилда мактабларнинг педагогик кадрлар билан таъминланганлик даражаси 97,6 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозир бу кўрсаткич 100 фоизга тенглашди. Айтиш мумкин, тизимнинг умумтаълим мактабларида тахсил олаётган 4,7 миллион нафар ўқувчига жами 423574



"SOS — Ўзбекистон болалар маҳаллалари" уюшмаси

нафар ўқитувчи таълим бермоқда. Бу эса ҳар бир ўқитувчига 11 нафардан ўқувчи тўғри келади, деганидир.

Барча умумтаълим мактабларида замонавий тарзда жиҳозланган физика, биология, кимё ўқув-лаборатория хоналари, ўқув устаконалари, спорт заллари ўқувчилар ихтиёрида. Ўзбекистондаги барча мактаблар ўртасида оператив равишда ахборот алмашиш тизими ва ягона таълим тармоғини ташкил этиш мақсадида мамлакатимизда МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб Мультимедияли умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Ҳозир мазкур марказ электрон дарслик ва мультимедия воситалари ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалиётга муваффақиятли татбиқ этиш билан шуғулланмоқда.

Алоҳида таъкидлаш жоиз, Ўзбекистонда еттига — ўзбек, қорақалпоқ, рус, қозоқ, тоjik, қирғиз ва туркман тилларида таълим бериш учун барча шароитлар яратилган. Ўқувчилар дарсликлар билан юқори даражада таъминланган, деб баралла айта оламиз. Сўнгги беш йил

ичида 117,2 миллион нусхада дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг чоп этилгани — бунинг ёрқин тасдиғи. Ҳар йили биринчи синфга қадам қўяётган ўқувчиларга Президент совғаси — янги дарсликлар ва ўқув анжомлари бепул тақдим этиладиган, 2-9 синф ўқувчилари эса дарсликларни ижара тизими орқали олишадиган бўлиши. 2-6 ёшдаги болаларнинг мактабга таълим муассасаларига қамраб олиш даражаси ҳам ортиб бормоқда. Болалар истеъдодини ривожлантириш ва вақтини маъмул ташкил этишга қўмақлашиш мақсадида ташкил этилган мактабдан ташқари таълим муассасалари ва тўғарақлари сони ошиб бормоқда.

Мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш, шунингдек, спорт масканлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида шу кунга қадар республикаимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам спорт заллари, сузиш ҳавзалари ва бошқа спорт иншоотлари қад ростлаб, мазкур иншоотларда 23 та спорт тури бўйича мароқли машғуллар ўтказиш имконияти туғилди.

Мамлакатимизда кенг жорий этилиб, дунё миқёсида тан олинган спорт мусобақаларининг уч босқичли тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" ўйинлари барча турдаги таълим муассасаларида ёшларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишини таъминлаш имконини берди. Ушбу мусобақалар тизимида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган, чинакам оммавийликка эга — "Умид ниҳоллари" спорт беллашувлари алоҳида аҳамият касб этади. Тизим-

нинг жорий этилиши натижасида ёш спортчиларимиз энг нуфузли мусобақалар, жумладан, Олимпия ўйинлари ва Жаҳон чемпионатларида галаба қозониб, жаҳон ареналарида юрт байроғини юксакларга кўтармоқдалар. Бу эса, Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятидаги нуфузи ошишига, ўзбек фарзандларининг ҳеч кимдан кам эмаслиги ва кам бўлмаглигини исботлашга хизмат қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, истиқлол фарзандлари ўзларининг интеллектуал, ижодий ва спорт борасидаги ўқувчилари билан дунёни лол қолдириб келишмоқда. Агар 1993 йил мактаб ўқувчилари халқроқ Фан олимпиадаларида умуман иштирок этмаган бўлса, 2000-2010 йиллар оралиғида ёшлар томонидан 149 та 6 та олтин, 14 та кумуш ва 60 та бронза медаллари ҳамда 69 та фахрли дипломлар қўлга киритилди.

Мамлакатимизда Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёш авлодини ҳар жиҳатдан етук ва баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори мусиқа йўналишида ёшларнинг юксак натижаларини қўлга киритишлари учун замин яратди.


Ёш мусиқачиларимиз халқаро танловларда фаол иштирок этиб, юртимиз довуғини дунёга танитмоқдалар. Яқинда Италиянинг Сан Бартоломео Аль-Маре шаҳрида бўлиб ўтган ёш мусиқачиларнинг "Giovani

Talenti" 26-халқаро танловида иштирок этган Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчилари Дилшод Нарзуллаев ва Оқила Мирҳўжаевалар танловнинг Гран-присига лойиқ деб топилгани, Юлдуз Муллажонованинг 3-ўринни қўлга киритганиги истиқлолимизнинг 20 йиллигига ҳақиқий тўхфа бўлди.

Юртимизда болаларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳам катта эътибор қаратилган. Ҳар йили кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчиларга қишки кийим жамланмаси — куртка, бош кийим, қўлоқ ва оёқ кийимлари бепул улашилмоқда. 25 та "Меҳрибонлик уйлари"да 2546 нафар болалар тарбияланиб, 5 та оилавий болалар уйида ота-она қарамоғисиз қолган болалар парваршига барча шарт-шароитлар яратилган. Уларнинг эҳтиёжлари учун "Damas" автомашиналари, "Isuzu" автобуслари ҳамда имтиёзли кредитлар ажратилган. Шунингдек, Тошкент ва Самарканд шаҳарларида "Ўзбекистон SOS Болалар маҳаллалари", Андижон ва Гулистон шаҳарларида иккита Болалар шаҳарчалари фаолият юритмоқда, уларда бир хонадонда 6-8 нафаргача болалар оилавий шарт-шароитда истиқомат қилишади, тарбия топишади.

2008-2009 йилларда Болалар шаҳарчаларини қуриш, уларни керакли анжом ва жиҳозлар билан таъминлаш учун салкам 16 миллиард сўмлик маблағ сарфланди. 11 423 нафар ногирон болаларга уйда таълим олишлари учун барча имконият берилган, дарслик, ўқув анжомлари билан бепул таъминланган.

Бир сўз билан айтганда, мустақилликнинг энг катта ютуғи, жаҳоннинг нуфузли илмий ташкилотлари ва олимпиадари томонидан тан олинган "Таълим тўғрисида"ги Конун ва Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури тизим ҳодимлари учун дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Зеро, Юртбошимиз Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18-йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, "Ҳозирги кескин рақобат шароитида инновацион технологиялар ва илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўйбга чиқаришлари учун уларга зарур шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамиятга эга".



Истиқлол тенгдоши

Санжар КҲҶКОВ, «Адолат» СДП аъзоси.

Мустақилликимизнинг йигирма йиллигини нишонлаган ҳар бир юртдошимизнинг қалби ғурур ва ифтихорга тўла. Айниқса, мен каби истиқлол тенгдошларининг қувончи чексиз.

Юртбошимизнинг "Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт", дея айтган сўзлари, биз ёшларни "Менинг фарзандларим" дея бағрига босишлари ҳар бир йигит-қизга қанот бағишлайди. Бунга жавобан биз ёшлар жамиятимиз ривожи йўлида тинмай меҳнат

## Спорт менинг ҳаётим

қилишга, изланишда бўлишга ваъда берамиз. Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда ёшлар, болалар ва хотин-қизларни жисмоний тарбия, спорт ва соғлом турмуш тарзига жалб этишга давлат сиёсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Бундай гамурлик ва яратилган шароитлар самараси ўлароқ 2008 йилда Фарғона, 2009 йилда Хива шаҳарларида ўтказилган ёшлар ўртасидаги нуфузли мусобақаларда фахрли ўринларни эгалладим. Усирилар ўртасида белбоғли кураш бўйича Осиё чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлдим. Ҳалилик шохсувасида Ватанимиз байроғи баланд кўтарилиб, мадҳиямиз янграганида шу юрт фарзанди эканлигимдан фахрландим.

Спорт менинг ҳаётим. Барча эришган натижаларимнинг замирида биз ёш спортчиларга яратиб берилган шароит ва катта ишонч самараси турибди деб биламан. Истиқлол тенгдоши сифатида шунинг аниқ айта оламани, биз ёшлар жаҳоннинг мананан деган ўғил-қизлари билан бемалол баҳслаша оламиз.

## Топинамбур — минг дардга даво

Табобат

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ.

Кейинги пайларда "Адолат" СДПнинг ўз сайловолди дастурида миллий инновация тизимини жорий қилиш, инновацион иқтисодийга ўтиш ғоясини кўтариб чиқоётгани, айниқса, шифобахш ҳисобланган топинамбур ўсимлигининг импорт ўрнини босувчи инновацион маҳсулотлар ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш таклифини ўртага ташлаётгани муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Авваллари унчалик оммалашмаган, кўпчиликка номаълум бўлган топинамбур ўсимлиги сўнгги 10-15 йил мобайнида ўзбек тилининг тиббиёт лексиконида топинамбур, халқ тилида топинобурги ибораси билан пайдо бўлди. Айниқса, қон босими боланд, қандли диабет билан оғриган беморлар ўзларида синоб кўришга қарор қилиб, инсулин ўрнига топинамбур баргини дамлаб ичганда қимматбаҳо дорилар ўрнини босганлиги ҳақида мароқ билан сўзлаётганларининг гувоҳи бўлганмиз.

Дарвоқе, топинамбурнинг асл ватани жанубий Ҳиндистон ҳисобланади. Топинамбур картошқасидан тайёрланган турли хил таомлар ва баргиндан дамланган ичимликлар ҳиндистонликлар учун асосий емиш сифатида фойдаланиши одат тусига айланган сир эмас.

Топинамбур 400 йил аввал Франция, кейинчалик АҚШда аниқланган.

Ҳамма уни манзарали гиёҳ сифатида билган, шифобахш хусусиятларидан эса кўпчилик беҳабар эди.

Кейинчалик топинамбур картошқаси кўрга қўмилиб хомилича ейилганда, барги чой сифатида дамланганда инсон кайфиятини кўтарувчи витаминлар ўрнини босиши амалда синалди. Натижада у "мўъжизали гиёҳ", "умрни узайтирувчи гиёҳ" номига эришди.

Шуниси диққатга сазоворки, топинамбурнинг витаминларини салқинда сақлаган ҳолда, шунингдек, жигар, буйрак, ошқозон ости ўт пуфғи, ичак ва энг муҳими, қон босими, асаб-



ларни тинчлантирувчи, қанд касалини даволовчи ҳафдорининг ўндан ортиқ турлари устидан илмий изланишлар давом этмоқда. Бироқ бизда чиройли, хушманзара ўсимлик, гул сифатида ўсса-да шифобахшлигини кўпчилик билмайди. Менинг назаримда, табу энг арзон, энг мўъжизали ушбу нъматидан тайёрланган дорилар дорихоналарга чиқарилса, махсус фитобарлар ташкил қилинса, айти мудао бўлур эди.

## Виждон азоби

Кўнгил дафтаридан

МАҲМЕДОВ.

Ёшлигимда содир бўлган бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди.

Қишлоғимиз четдаги пастқам, пуф деса тўкилиб тушадиган уйда бир амаллаб тирикчилик ўтказоётган кекса кампирнинг уйига ўғри тушиб, қишга гамлаб қўйган бир қоп бўғдой, ярим қоп жўҳорисини ўғриб кетибди.

Эрта азондан маҳалла оёққа турди. Кимдир: "Инсофсиз ўғри экан, бўғдойни олганидан кейин, ҳеч бўлмаса жўҳорига тегмаслиги керак эди" деса, бошқаси: "Ўғрида инсоф нима қилсин, шунча нарсани айвонда қолдириб бўлармиди", деб айбни шундоқ ҳам дағ-дағ титраб турган кампирга ағдарди. Раҳми келганлар уни юпатиб, уйларида бир сиқим — ярим сиқим бўғдой, арпа, жўҳори олиб чиқшиди. У пайтлари бирова бир сиқим егулик беришининг ўзи бўлмасди.

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, кутилмаганда ўғрилган фох бўлиб қолди. Иккита ваҳоҳатидан от хурқаидан ўспирин, биттаси ўзимизнинг маҳалладан, иккинчиси кўшни маҳалладан, бунинг устига кампирнинг узокроқ қариндoshi бўлиб чиқди. Кўпчилик милиция чақиртириб, бад-

жўнатдинларим, хў фалончи ёддан чиқмасин, аввалиги касали кўзгаб қолмасин тагин?", деб сўрайди ва ёнидагиларга кўзини қисиб қўяди.

Раиснинг бу гапи ҳар қандай жазодан оғир эди...

Бир кун эрта азонда раҳматли дадам билан шамолда бўғдой шопираётган эдик, анча қартайиб қолган отига миниб, қўшни қишлоқ томонга жадал бораётган ўша... бўғдой ўғриларида бири олдимиздан салом бериб ўтиб қолди. Мен бир вақтлар Рисолат хола шу қишга раҳм қилганини эсланганим, дадам бир маромад эсаётган шабадада элакдаги бўғдойни баланд кўтариб шопираётганлар: "Ёмонни ёмонлик билан яхшилаб бўлмайди, ўғлим", дедилар.

Шу бир оғиз гап хотирамга нақшланиб қолган. Кейинчалик бир оғиз ширин сўз, яхши муомала, кечиримлилик замирида катта тарбиявий куч мавжудлигига кўп бор амин бўлдим. Бошқаларни кўя турайлик, гоҳо ўзим ноҳақ маломатларга қолганимда, фиск-фасод хуруж қилганида бундай ҳолатлардан кенгфезлик, сабр-бардод билан чиқиб кетдим.

Кўнглимни оғритганларга жавоб қайтармадим, аксинча, зарур бўлса ёрдам қўлимни қўздим. Ёмонлик қилишдан ўзимни тийдим. Шундайлардан биттаси, виждон азобидан қийналдим ё ҳамон отдан тушгани келмадимки, олдимга келдию: "Мени нега кўтар-кўтар қилаёсиз, зўрлигингизни исботламоқчимисиз?", — деди ёқимсиз истеҳзо билан. У икки ўт орасида қолган эди.

Кечиримлилик — халқимизнинг буюқ фазилати. Хом сўт эмган буюқ, биров адашди, бошқа биров эса кимнингдир гапига қириб, бир беғуноҳ одамнинг қалбини жароҳатлайди. Ҳаётда яна шундай вазиятлар ҳам бўладики, одам ўзи билмаган ҳолда, ҳаттоки яхшилик қиламан деб ҳам, ёмонлик қилиб қўяди. Бундай пайтлари жоҳилга жоҳиллик билан жавоб қайтариш жароҳатни чуқурлаштиради, аммо тузатмайди.

Қадим ривоятлардан бирини айтилишича, бир йигит арвачасига юк ортиб, бозор ичкарисидан кўча томонга чиқиб келаётса, олдида бир кекса аёл чиқиб қолди.

— Йўлдан қоч, ҳой қари ялмоғиз, — дебди йигит онаси тенгги аёлга ўшқириб. — Хўб бўлади, жоним болам, деган экан ўша аёл...

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сирдарё вилоят Кенгаши Ўзбекистон «Адолат» СДП Гулистон туман Кенгаши райиси Аъзамжон Ибодуллаевга акаси

Иброҳимжон ИБДОУЛЛАЕВнинг вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'zbekiston» телерадиоканали ДУК жамоаси сиёсий шарҳловчи Талат Солиевга укаси

Муроджон СОЛИЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

# ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассиси: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши

Ташхир ҳайъати: Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Исмон САИФНАЗАРОВ, Зухра БОТИРОВА, Савлетна ОРТИҚОВА, Иқбол МИРЗО, Мамазор ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолир ЖУРАЕВ, Собир ТУРСУНОВ, Муҳаммад АЛИ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Равшан ҲАЙДАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Алишер МУМИНОВ.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигини томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган.

ТАШХИР МАНОСИ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

adolat\_gazeta@mail.ru

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Ғ—900. Ҳажми — 2 босма табоқ, Офсет усулида босилган. Қозғо бичими А-2. Адади — 3862. Босишга топириш вақти — 21.00. Босишга топирилди — 22.00

1 2 3 4

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2071-5217

4 7 2 0 9 1 5 2 1 0 0 9